

ISSN 2181-7812

TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI  
**AXBOROTNOMASI**

**ВЕСТНИК**  
ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ



Co-funded by the  
Erasmus+ Programme  
of the European Union



**"BO'LAJAK SHIFOKORNING  
MULOQOT KOMPETENSIYASI"**  
I - xalqaro o'quv-uslubiy  
konferensiyaga bag'ishlangan  
**MAXSUS SON**

**2024**

TOSHKENT

ISSN 2181-7812



9 772181 781009

## СОДЕРЖАНИЕ

## НОВЫЕ ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ТЕХНОЛОГИИ

Абдуллаева Р.М. ЗНАЧЕНИЕ ЯЗЫКОВЫХ ДИСЦИПЛИН В ФОРМИРОВАНИИ ПРОФЕССИОНАЛЬНО-ЯЗЫКОВОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ БУДУЩЕГО ВРАЧА	8
Аладова Л.Ю., Шукуров Б.В., Бегматов Б.Х., Раимкулова Д.Ф., Бабаджанова Ф.У. ФОРМИРОВАНИЕ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ СРЕДИ СТУДЕНТОВ МЕДИЦИНСКИХ ИНСТИТУТОВ	15
Babaraximova S. B. "PSIXIATRIYA" FANINI O'QITISHDA DEONTOLOGIYA VA SHAXSLARARO MUNOSABATLAR MASALALARI	17
Voxidova N. X., Bayratova A. PEDAGOGIK MULOQOT TA'LIM SIFATIGA TA'SIR ETUVCHI OMIL EKANLIGI	20
Kaxorova M. A. THE PECULIARITY OF THE EXTENSIVE STUDY OF WORD FORMATION METHODS IN MEDICAL TERMINOLOGY	22
Мусаева Д.М. МЕТОДЫ РАЗВИТИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО И ОПЕРАТИВНОГО МЫШЛЕНИЯ БУДУЩИХ СПЕЦИАЛИСТОВ	26
Садывакасов А.У. КОУЧИНГОВЫЕ ТЕХНОЛОГИИ В ВУЗЕ	30
Саттаров Т.Ф. ОПТИМИЗАЦИЯ ОРГАНИЗАЦИИ САМОСТОЯТЕЛЬНОЙ ВНЕАУДИТОРНОЙ РАБОТЫ СТУДЕНТОВ	33
Sultonova K. B. PEDAGOGIK JARAYONDA PSIXOLOGIK MIKROIQLIMNI OPTIMALLASHTIRISHGA INNOVATSION YONDASHUVLAR	37
Тошходжаева П.Б., Хазратова Г. Ш. ЧЕТ ТИЛИНИ ЎҚИТИШДА МАДАНИЯТЛАРАРО МУЛОҚОТНИ СИНГДИРИШГА ОИД МЕТОДЛАР, ЁНДАШУВЛАР	39
Sharipova F. K. PSIXIATRIYA VA TIBBIY PSIXOLOGIYA KAFEDRASIDA O'QUV JARAYONIDA WEB-QUEST-INTERNET LOYIHALARINING INNOVATSION USULINI QO'LLASH	43

## ОБЗОРЫ

Khudaykulova G.K., Eraliyev U.E., Djurayeva N.K. Ibragimov D.A. THE EFFECTIVENESS OF PSYCHOLOGICAL SUPPORT IN THE REHABILITATION OF PATIENTS WITH CORONAVIRUS	46
Шайхова М.И., Ганиева Д.К. ПАТРОНАЖ ХОДИМЛАРИ МУЛОҚОТ КЎНИКМАЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ЎРГАНИШ (АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ)	51

## ГИГИЕНА, САНИТАРИЯ И ЭПИДЕМИОЛОГИЯ

Abdulxayeva M.B. TA'LIMDA DEONTOLOGIYA	58
Abdurashitova Sh.A., Muyassarova M.M. COMMUNICATION IN MARKETING RESEARCH	60
Dadaboyeva G.A. HEALTHCARE SYSTEM AT INTERNATIONAL LEVEL (ISRAEL)	62
Muyassarova M.M., Abdurashitova S.A., Boltaboev S.E. THE MAIN FACTORS RELATED TO THE RELATIONSHIP BETWEEN A DOCTOR AND A PATIENT THAT AFFECT THE STATE OF WOMEN'S REPRODUCTIVE HEALTH	68
Назарова С.К. ВНЕДРЕНИЕ ПАЦИЕНТОРИЕНТИРОВАННОЙ МОДЕЛИ ОБСЛУЖИВАНИЯ БОЛЬНЫХ В ПМСП	71
Nematov A.A., Abdiqatov A.A. COVID-19 TASHXISI BILAN YOTQIZILGAN BEMORLARDAGI DOIMIY SIMPTOMLARNI O'RGANISHDA SHIFOKORLAR MULOQOT QOBILYATINING AHAMIYATI	74
Турсынбекова А., Кашаганова К., Батыкова А., Даулетханова А. Студенты П22-003: КОММУНИКАТИВНАЯ КОМПЕТЕНТНОСТЬ В ПРОФЕССИОНАЛЬНО ЛИЧНОСТНОМ СТАНОВЛЕНИИ СТУДЕНТОВ МЕДИКОВ	78
Уразалиева И.Р., Турсунова С.Б. НОГИРОН БОЛАЛАРГА ТИББИЙ-ИЖТИМОЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШДА ЎРТА ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ ЎРНИ	78
Khudaykulova G.K., Karimbayev Sh. D. INTERPERSONAL COMMUNICATION SKILLS IN MEDICAL PRACTICE ARE THE KEY TO A FAVORABLE ENVIRONMENT FOR PATIENTS	84
Эшбаева К.У., Мухассарова М.М., Абдурашитова Ш.А., Ибрагимов Д.А. ИСПОЛЬЗОВАНИЕ НЕВЕРБАЛЬНОЙ КОММУНИКАЦИИ В СЕСТРИНСКОЙ ПРАКТИКЕ	88
Эшбаева К.У., Умаров М.М., Нейматова Д.М., Рахмонова Г.И., Эшбаева Н.У. КОММУНИКАТИВНЫЕ НАВЫКИ ВРАЧА И МЕДСЕСТРЫ	91

## ЧЕТ ТИЛИНИ ЎҚИТИШДА МАДАНИЯТЛАРАРО МУЛОҚОТНИ СИНГДИРИШГА ОИД МЕТОДЛАР, ЁНДАШУВЛАР

Тошходжаева П.Б., Хазратова Г.Ш.

### METHODS, APPROACHES TO INSERT INTERCULTURAL COMMUNICATION IN TEACHING A FOREIGN LANGUAGE

Toshkhodjaeva P.B., Khazratova G.Sh.

### МЕТОДЫ И ПОДХОДЫ ВНЕДРЕНИЯ МЕЖКУЛЬТУРНОЙ КОММУНИКАЦИИ В ОБУЧЕНИЕ ИНОСТРАННОМУ ЯЗЫКУ

Тошходжаева П.Б., Хазратова Г.Ш.

Тошкент тиббиёт академияси

*In the era of globalization, learning a foreign language or a second language will not simply mean understanding academic education, but will focus on learning ways to communicate. In a real situation, communication is never out of context. Since culture is always part of the context, communication does not take place without culture. Language and culture have always been closely related, so that language learning and knowledge of cultures cannot be distinguished from each other. This article argues that language and culture are always closely related, and that language learning and cultural knowledge cannot be separated.*

**Keywords:** *Philological competence, linguistic approach, intercultural communicative competence, intercultural competence, communicative and cognitive.*

*В эпоху глобализации изучение иностранного или второго языка будет означать не просто понимание академического образования, но и изучение способов общения. В реальной ситуации общение никогда не выходит из контекста. Поскольку культура всегда является частью контекста, общение не может происходить без культуры. В этой статье утверждается, что язык и культура всегда тесно связаны и что изучение языка и культурные знания не могут быть разделены.*

**Ключевые слова:** *филологическая компетенция, лингвистический подход, межкультурная коммуникативная компетенция, межкультурная компетенция, коммуникативно-когнитивная.*

**К**ириш. Чет тили таълими бутун дунё бўйлаб кянги ижтимоий ва технологик ўзгаришларга жавобан тез ўзгармоқда, бу жараёнда назарий ривожланиш рағбатлантирилмоқда. Бунини маданиятлараро коммуникатив компетенцияни такомиллаштиришга йўналтирилган тез ривожланаётган назарий асосларда топиш мумкин. Ҳозирги пайтда хорижий тилларни ўқитиш методикасида тили ўрганилаётган халқ маданиятни ўқитишда қўлланилиши мумкин бўлган кўплаб ёндашувлар мавжуд. Шундай ёндашув муаллифларидан бўлган Е.М. Верещагин ва В.Г. Костомаровлар рус тилини хорижий тил сифатида ўқитиш методикасида хорижий тил ўқитиш жараёнида маданиятни ўқитишнинг икки – ижтимоий ва филологик ёндашувларини ажратиб кўрсатади. [1]

Биринчи ёндашув ҳар қандай хорижий тилни ўрганиш билан анъанавий равишда боғлиқ бўлган мамлакатшунослик фанига асосланади. Мамлакатшунослик тили ўрганилаётган мамлакат тарихи, адабиёти, географияси, иқтисодиёти, санъатшунослиги сингари турли хил маълумотларни қамраб олувчи фандир. Чет тили дарсида айнан мазкур соҳаларга алоҳида эътибор қаратилади.

Филологик ёндашувда эса асосий эътибор тили ўрганилаётган мамлакатга эмас, тил соҳибларининг тарихан тўпланган билимларига ўрганиш объекти сифатида қаратилади. Мамлакатшуносликка доир материаллар ҳам маъруза ҳам амалий дарс сифатида ўтилиши мумкин. Ушбу икки ёндашув орасидаги фарқ умумижтимоий ёндашув филологик

ёндашувдан кўра тил ўрганиш билан камроқ боғланади. Айни вақтда, мамлакатшуносликка доир материаллар ўрганилаётган хорижий тилнинг ажралмас қисми эканлигини таъкидлаш ўринли. М.К. Борисенконинг фикрича, “тил бирликлари хорижий тилда гапирувчи жамият менталитети ва хулқ-атвор меъёрларининг ўзига хослиги ҳақидаги маълумотни ўзида сақловчи бирликлар сифатида қаралса, лингвомамлакатшунослик аспект эса чет тил дарсларининг ажралмас қисмига айланиши лозим.” [2]

Энг маъқул йўл эса, албатта, ҳар икки ёндашувни бир вақтнинг ўзида қўлланилиши мумкинлигидир. Бундай ёндашув лингвомамлакатшунослик ёндашуви деб номланиши мумкин, яъни ушбу метод ҳам ижтимоий ҳам филологик ёндашувларни ўзида бирлаштириши мумкин.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Маданиятлараро компетенция тушунчаси ҳозирда хорижий тил дастурининг энг асосий таянч тушунчаларидан бири ҳисобланишига қарамай, таълим тизимида маданиятлараро мулоқотни ўргатишнинг барча муаммоларини автоматик тарзда ҳал қилишнинг имкони йўқ. Чет тил дарсларида маданиятлараро компетенциянинг шакллантиришнинг энг катта муаммоси ўқувчи ҳам ўқитувчи ҳам бир тил ва бир маданият соҳиблари эканлигидадир.

Юқорида таъкидлаб ўтилган лингвомамлакатшунослик ёндашуви рус олимлари Е.М. Верещагин ва В.Г. Костомаров томонидан олға сурилган бўлиб, хорижий тил ўқитиш методикасининг ушбу лингво-

мамлакатшунослик аспекти қуйидаги икки жуда катта масалани қамраб олади:

- тилдаги миллий-маданий семантикани ёритиб бериш мақсадида тилни тадқиқ қилувчи ёндашув;
- хорижий тил дарсларида мазкур семантикани тақдим этиш, мустақамлаш ва фаоллаштиришнинг методик усулларини ишлаб чиқиш.

Мазкур концепция муаллифлари хорижий тил ўқитувчисининг лингвомамлакатшуносликни тарғиб этувчи фаолияти қўшимча ўқитиш методи материали сифатида қаралмаслиги лозим. Лингвомамлакатшунослик хорижий тилни коммуникатив равишда ўқитишнинг моҳиятини ифодалайди. Лингводидактика тарихида лингвомамлакатшунослик тушунчасини батафсил таърифлаган муаллифлар хорижий тил ўқитишнинг коммуникативлигини таъминлаш ва лингводидактиканинг умумий таълимий ва гуманистик вазифаларини бажарилишини таъминлаш учун тилнинг кумулятив вазифаси намоён бўлиши ва адресатлар аккултирацияси кузатилишини таъкидлайди [3].

Е.М. Верешагин ва В.Г. Костамаров томонидан тақлиф этилган ушбу ёндашув кўплаб тилшунос ва методистлар томонидан қўллаб-қувватланган. Мазкур ёндашув давомчиларидан бири бўлган Г.Д. Томахин ўз тадқиқотларида миллий маданиятнинг ўзига хослиги яққол намоён бўлишига хизмат қилувчи ҳамда матбуот, публицистика, бадиий адабиёт асарларини ўқиганда ва видеофильмлар кўрганда бошқа маданият вакиллари билан мулоқотда сезилувчи, бошқа тил соҳиблари учун тушунарсиз бўлган тил бирликларини ажратиш олиш ва ўрганиш зарурлигини таъкидлайди [4].

Материаллар ва тадқиқот усуллари. Г.Д. Томахин маданий семантикани ифодаловчи лексик бирликлар сифатида қуйидагиларни ўз ичига олади:

1) реалия номлари - бир маданият учун хос бўлган ва бошқа маданиятда мавжуд бўлмаган нарса-ҳодисаларнинг номлари: топоним; антропоним; этнографик реалиялар (овқат, либос, байрам, пул, транспорт номлари); ижтимоий-сиёсий реалиялар; таълим тизимидаги реалиялар; театр, кино, адабиёт, мусиқа, санъат асарлари сингари маданият билан алоқадор реалиялар.

2) коннотатив лексика, яъни маъносига кўра бир хил, бироқ маданий ассоциациясига кўра фарқланувчи сўзлар;

3) заҳирадаги мавжуд лексика – қиёсланилаётган маданиятларда ўхшаши мавжуд бўлган, бироқ миллий ўзига хосликда фарқланувчи нарса-ҳодисаларни ифодаловчи сўзлар [5].

Хорижий тилларни ўқитиша маданиятлараро мулоқот, хусусан лингвомаданиятшунослик ёндашувида тил соҳиби бўлган халқ тарихи, миллий маданиятининг ўзига хослиги, анъаналари, урф-одатлари, турмуш тарзини ўзида акс эттирувчи фразеологизмлар алоҳида аҳамият касб этади. Бундан ташқари, мақол ва маталлар ҳам мазкур ёндашув учун алоҳида ўринга эга. Юқорида таъкидланганидек, мақол ва маталларда миллатнинг донолиги, инсонлар ҳаётининг ўзига хослиги, атрофдаги оламга

бўлган халқнинг муносабатини қисқа ифодалаш қобилияти ва кузатувчанлиги ўз ифодасини топади. Маданиятлараро мулоқот компетенцияси шаклланишининг сўнгги босқичида коммуникатив ва таҳлилий характердаги машқлар бажарилиши лозим бўлади.

Хорижий тилларни ўқитишда турли хил методик принциплар (тамойил) мавжудлигини таъкидлаш ўринли. Принцип ёки тамойил дейилганда бирор бир назария, метод, фаннинг аксиома сифатида қабул қилинувчи асосий ва якуний ҳолати тушунилади. Принциплар ўрганилаётган фан ёки унинг компонентларини ўзлаштириш даражасига қўйиладиган талабларни белгилаб беради. Методик принциплар хорижий тилларни ўқитиш методикасига бевосита даҳлдор бўлган принциплар саналади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, чет тилларни ўқитишга доир илмий адабиётларда хорижий тил ва тили ўрганилаётган мамлакат маданияти ўқитиш, ўқувчи ва талабаларда ижтимоий-маданий компетенцияни шакллантириш, маданиятлараро мулоқотни ўқитиш ва маданиятлараро мулоқот компетенциясини шакллантириш бўйича кўплаб методик принциплар алақачон ўз аксини топган.

Энди, хорижий тил дарсларида маданиятлараро мулоқотни ўқитишда қўлланилувчи айрим методик принциплар тўғрисида тўхталиб ўтсак. Шундай методик принциплардан бири маданиятлар мулоқоти (диалогни) принциpidир. Мазкур атама сўнгги пайтларда илмий адабиётларда жуда тез-тез учрамоқда. Ушбу атаманинг ҳаддан зиёд кўп ишлатилиши унинг педагогика учун жуда муҳим бўлган мазкур тушунчанинг асл маъносини аста-секин йўқотишига сабаб бўлмоқда. Маданиятлараро ўзаро алоқадорлик, ўзаро таъсир ва ўзаро бир-бирини бойитиш масалаларига бағишланган фалсафий тадқиқотлар таҳлилга аосланиб, кўплаб тадқиқотчилар маданиятлар мулоқотни (диалогни) замонавий кўпмаданиятли жамиятлардаги маданиятлар орасидаги ўзаро муносабатлар фалсафаси сифатида таърифлайдилар.

Ушбу методик принципнинг чет тилларни ўқитишдаги аҳамиятини ўрганар экан, рус тилшуноси В.В. Сафонова тил педагогикасида хорижий тил ва маданиятни ўқитиш қуйидагиларни англатишини таъкидлайди:

- хорижий тилни ўқитиш бўйича ўқув дастурлари ва мажмуаларни шакллантиришда дидактик материал сифатида маданият билан алоқадор бўлган аутентик ва қисман аутентик материални таҳлил қилиш зарур;

- тил ўрганувчиларда маданий холислик, ҳамдардлик, бағрикенглик, бошқа маданият муҳитида мулоқот қилиш, нутқий ва ижтимоий-маданий такт сингари муҳим фазилатларни шаклланиши, умуминсоний тафаккурни ривожлантиришга эътибор қаратилиши лозим;

- ҳар бир тил ўрганувчи фикран ўзини бир вақтнинг ўзида бир нечта (этник, ижтимоий, касбий, гендер, диний ва ҳ.к.) маданият типлари вакили ва ўша маданият соҳиби ҳисобланувчи маданий-тарихий субъект сифатида англовчи, билингвал ижтимо-



ий-маданий компетенцияни шакллантиришга имкон берувчи методик моделларни яратиш лозим;

- хорижий тил ўрганувчи ўз маданияти ва тили ўрганилаётган ўзга маданиятни бевосита ва билвосита тарихий-маданий ўзаро таъсир контекстида қиёсий-чоғиштирма таҳлили асосида ўрганиш;

Маданиятлараро мулоқот шароитида тил ўрганувчиларни маданий воситачи ёки маданий диалог субъекти ролини бажариш учун тайёрлаш юзасидан ижтимоий-педагогик ва методик вазиятларни ташкил қилиш [7].

**Тадқиқот натижалари.** Муаммоли маданиятни тарғиб этувчи топшириқлар устувор бўлган методик принцип ҳам хорижий тилларни ўқитиш жараёнида маданиятлараро мулоқотни ўқитишда кенг қўлланилувчи принциплардан биридир. Маданиятлараро мулоқот компетенциясининг шаклланиш жараёни нафақат тил ўрганувчиларнинг ўргатилаётган материални ўзлаштириши, балки маданиятлараро мулоқот компетенциясини шакллантирувчи стратегиялар ва доимий равишда ривожланиши билан самарадор бўлади. Ушбу стратегиялар ҳар қандай ўзга маданият ёки ўша маданият вакили билан бўладиган алоқани ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Шу боисдан маданиятни ўқитишда нафақат ўтиладиган материал, балки тил ўрганувчилар ўша материални ўзлаштириш ҳам алоҳида ўринга эга. В.В. Сафонова томонидан таклиф этилган муаммоли маданият ўқитилувчи топшириқлар принципи хорижий воситасида маданиятни қамраб олувчи таълимни яратишга қаратилган бўлиб, унда тил ўрганувчилар секин-аста мураккаблашиб борувчи маданиятни акс эттирувчи муаммоларни ечиш жараёнида:

- ўзга маданият билан алоқадор бўлган маълумотни тўплаш, тизимга солиш, умумлаштириш ва талқин қилиш;
- маданиятга доир маълумотларни излаб топиш стратегиялари ва маданиятларни изоҳлаш усуллари ўзлаштириш;
- тил ўрганувчиларга маданият ва цивилизация турлари ва коммуникатив меъёрларни тушунишлар учун ёрдам берувчи кўпмаданиятли коммуникатив компетенцияни ривожлантириш;
- нафақат маданиятлар орасидаги ўзига хос тафовутлар, балки ҳозирги кўп қиррали бўлган кўпмаданиятли дунёда уларнинг умуминсоний ўхшаш жиҳатлари тўғрисида тассуротни шакллантириш ва чуқурлаштириш;
- ўз-ўзини маданий шакллантириш стратегияларини ўзлаштириш;
- маданият ва коммуникатив-когнитив характердаги ижодий ишларда қатнашиш имкониятига эга бўладилар.

Маданиятга даҳлдор бўлган муаммоли топшириқлар тил ўрганувчиларнинг психологик тавсифидан келиб чиққан холда когнитив, лисоний ва ижтимоий-маданий мураккаблиги даражаси, ҳамда уларнинг кўпмаданий ва билингвал ривожланиши даражасини инобатга олган холда танланиши лозим. Муаммоли топшириқнинг ижтимоий-педагогик аспекти алоҳида аҳамият касб этади. Устозлар

ўқувчиларни глобал умуминсоний жараёнларда маъсулиятни хис қилиб мулоқот иштирокчиси ролини бажаришга ўргатиши лозим.

Бундан ташқари, таълим беришнинг билингвал принципи ҳам маданиятлараро мулоқотни ўқитишда алоҳида аҳамиятга эга. П.В. Сисоев таъкидланганидек, хорижий тилларни ўқитишда она тилидан фойдаланиш масаласида мутахассислар умумий бир фикрга эга эмаслар.[8] Уларнинг фикрича, дарс жараёнида ёлғиз хорижий тилни ўзидан фойдаланиш хорижий тил коммуникатив компетенциясини тез вақт ичида шаклланишига сабаб бўлади [9]. Бироқ, айрим олимлар, аксинча, чет тил дарсларида она тилидан оқилона фойдаланиш лозимлигига урғу берадилар. Шундай тадқиқотчилардан бўлган **В.Г. Апальков, П.В. Сисоевлар** эса ўзга маданиятни ўқитишда она тилидан фойдаланиш мумкин эмас, балки зарур эканлигига эътибор қаратадилар. Бу, энг аввало, маданиятлараро мулоқот компетенциясини шакллантиришда хорижий тил ўқитиш мақсадининг тўртала аспекти ҳам бир вақтнинг ўзида амалга ошишини таъкидлайдилар, хусусан ўқув (турли маданият ҳақидаги кўплаб маълумот билан танишиш ва тушуниш қобилиятига эга бўлиш), тарбиявий (тил ўрганувчида ватанпарварлик, дунёқараши, ўзга маданият ва мамлакат вакилларига нисбатан ҳайрихоҳлик сингари тарбиявий фазилатларнинг шаклланиши), таълимий (тили ўрганилаётган мамлакат маданияти ҳақидаги билимга эга бўлиш), ривожлантирувчи (тил ўрганувчиларга хорижий тилда бўладиган маданиятлараро мулоқот жараёнида иштирок этиш имкониятини берувчи коммуникатив маданият ва ижтимоий-маданий таълимга эга бўладилар) мақсадларнинг барчаси бир дарс жараёнида кузатилиши мумкин. Она тилидан фойдаланиш имкониятининг мавжуд бўлмаслиги тили ўрганилаётган маданият реалияларини тушунмаслик, нотўғри тушуниш, ёки нотўғри изоҳлашга сабаб бўлиши мумкин [10].

**Хулоса.** Хорижий тилларни ўқитиш жараёнида тили ўрганилаётган мамлакат маданиятини ўқитишда кенг тарқалган методик принциплардан яна бири маданий вариативлик принциpidир. Мазкур методик принцип рус олими П.В. Сисоев томонидан таклиф этилган бўлиб, унда тили ўрганилаётган хорижий давлатдаги маданий хилма-хиллик тўғрисидаги маълумот тушунилади. Бу хорижий тиллар бўйича ўқув мажмуа ва дастурларни ишлаб чиқишда ижтимоий-маданий маълумот билан тўлдириш ва ўқув мақсадида маданий материал танлашда кузатилади. Ушбу принципда асосий эътибор тил ўрганувчиларни ҳар бир конкрет маданият типини бўйича маданий вариантлар билан таништиришга қаратилади. Хусусан, этник даҳлдорлик маданият типини сифатида намоён бўлса, америкада яшовчи оқ танлилар, афро-америкаликлар, мексикаликлар, осиеликлар, туб ҳиндулар, тинг океанидаги турли ороллардан келган бошқа этник гуруҳлар маданияти мазкур тип турлари сифатида намоён бўлади. Ўзининг лингвистик жиҳатдан кўпмаданиятли таълим концепциясини ишлаб чиқар экан, П.В. Сисоев

кўпмаданиятли мамлакат тилини ўрганишда хорижий тил ўрганувчилари ўз юрти маданиятининг ҳар бир жабҳаси бўйича маданий хилма-хиллик ҳақидаги ўхшаш маълумотга ҳам эга бўлиш имкониятига эга бўлиши лозим эканлигига алоҳида урғу беради. Бу тил ўрганувчиларга нафақат маданиятлар орасидаги фарқ, балки ўз ва ўзга маданият ўртасидаги ўхшашликларни кузатиш имконини берадики, у, ўз навбатида, тил ўрганувчининг ижтимоий-маданий тафаккурини кенгайтишига сабаб бўлади. Муаллиф маданий вариативлик чет тилларни ўқитишнинг барча босқич ва даражаларида қўлланилиши мумкин ва хатто лозимлигига эътибор қаратади. Масалан, чет тилларни ўрганишнинг дастлабки босқичида тил ўрганувчилар маданиятнинг битта варианты билан эмас, балки вариативлиги ва ижтимоий ҳамда маданий контекстдан келиб чиқиб, айтиқлик саломлашиш вариантларининг турли-туманлиги (дўстлар орасидаги, ўқитувчи ва ўқувчилар орасидаги, нотаниш, ёши катталар орасидаги ва ҳ.к.) билан танишишлари мумкин. Хорижий тилларни ўқитиш жараёнида маданиятлараро мулоқотни шакллантиришда сўнгги пайтларда маданий оппозиция принциpidан фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Сўнгги вақтларда хорижий тил ўқитиш методикасига доир илмий адабиётларда тил ўрганувчилар тили ўрганилаётган миллат маданиятини яхшироқ тушунишлари учун маданий конфликт (зиддият)дан фойдаланиш лозимлиги тўғрисидаги фикрлар тез-тез учрайди. Маданий оппозиция принципи В.Г. Апальков ва П.В. Сисоевлар томонидан олға сурилган методик принципдир. Ушбу принципнинг асосий мақсади тил ўрганувчиларни тили ўрганилаётган маданият вакилларининг билими, муносабатлари, фикрлашидан фарқ қилувчи вазиятлар билан таъминлашдан иборат. Тил ўрганувчиларга муаммоли топшириқлар бериш орқали уларда маданиятлараро компетенция шакллантирилади. Энг муҳими, турли маданий гуруҳлар тўғрисида шунчаки материал тўплаш эмас, балки эмпатия ва холистик, ошкоралик ва ранг-барангликка тайёрлик сингари компонентларни қамраб олувчи маданиятлараро мулоқот компетенциясини шакллантиришга ёрдам берувчи материални танланиши лозим.

Хулоса ўрнида хорижий тилни ўқитишда маданиятлараро мулоқот малакасини сингдиришга доир кўплаб ёндашув ва методлар мавжудлиги ва улардан самарали фойдаланиш кўпроқ хорижий тилни

ўқитаётган ўқитувчига боғлиқ эканлигини таъкидлаш лозим.

#### Адабиётлар:

1. Верещагин Е.М., Костомаров В.Г. Язык и культура. - М., 1993, 156 с.
2. Верещагин Е.М., Костомаров В.Г. Язык и культура. - М., 1993, 95 с.
3. Томахин Г.Д. Лингвистические аспекты лингвострановедения // Вопросы языкознания. - 1986, 113-119 с.
4. Борисенко М.К. Некоторые аспекты преподавания элементов лингвострановедения в старших классах. // Иностранные языки в школе, 1997, №3, 18-19 с.
5. Сафонова В.В. Культуроведение в системе современного языкового образования // Иностранные языки в школе. 2001. № 3.
6. Сысоев П.В. Концепция языкового поликультурного образования: монография. М., 2003.
7. Heller M. The role of language in the formation of ethnic identity // Children's Ethnic Socialization/ ed. by J. Phinney & M. Rotheram. Newbury Park, 1987
8. В.Г. Апальков, П.В. Сысоев, Методические принципы формирования межкультурной компетенции в процессе обучения иностранному языку // Вестник ТГУ, выпуск 7 (63), 2008, 254-260 с.
9. Khazratova Gulchekhira Sharipovna, Research of learning and teaching methods in higher educational Universities, Modern Scientific Research International Scientific Journal 2023, Volume 1 Issue 7, 217,p
10. P.B Tashhodjayeva, K.Kh.Avilova, Z.Sh.Akramova, G. Sh.Khazratova, L.U Kadirova, English for Medical Students, Tashkent, 2022, 94,p.

#### ЧЕТ ТИЛИНИ ЎҚИТИШДА МАДАНИЯТЛАРАРО МУЛОҚОТНИ СИНГДИРИШГА ОИД МЕТОДЛАР, ЁНДАШУВЛАР

Тошходжаева П.Б., Хазратова Г. Ш.

*Глобаллашув даврида чет тили ёки иккинчи тилни ўрганиш шунчаки академик таълимни тушунишни англатмайди, балки мулоқот қилиш усулларини ўрганишга қаратилган бўлади. Ҳақиқий вазиятда мулоқот ҳеч қачон контекстдан ташқарида бўлмайди. Маданият доимо контекстнинг бир қисми бўлгани учун мулоқот маданиятсиз амалга ошмайди. Бу мақолада тил ва маданият ҳар доим бир-бири билан чамбарчас боғлиқ эканлигини ва шу жумладан тил ўрганиш ва маданиятлар ҳақида маълумотга эга бўлишни бир-биридан ажратиб бўлмаслиги ҳақида гап кетади.*

**Калит сўзлар:** *Филологик ёндашув, лингвомамлакатшунослик ёндашув, маданиятлараро коммуникатив компетенция, маданиятлараро мулоқот, коммуникатив-когнитив.*

